

**Шартнома № 1/2022-368-1-18-0B**  
(Смета хужжатларини бажаришга доир)

Андижон шаҳри

2022 йил «18» май

Буюртмачи Моно Абдураши кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи, бир томондан, «Yo'l Loyiha Service» МЧЖ номидан корхона Низоми асосида директор **Х.Омурзаков** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

**I. Шартнома мазмуни**

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги бино ва иншоотларни қурилиш ишларига ишчи лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

1.2. **Объект номи:**

Полимер маҳсулот кучасини жорий тамирлаш учун смета хужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартноманинг баҳоси**

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС 15% билан биргаликда

18000000 (УН сонини) маълумот ) сўмни ташкил этади.

2.2. Қушимча ишлар пайдо бўлганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

**III. Тўлов шартлари.**

3.1. Буюртмачи Бажарувчига бажарилган ишларни қабул қилиш учун шартнома умумий қийматининг олдиндан 30 фоизи миқдорига 5000000 бағи маълумот учун олдиндан ) сўм аванс туловини амалга оширади. Колган 70% 12600000 УН (сонини) маълумот олдиндан ) сўмни бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

**IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари (лойиҳалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил \_\_\_\_\_ кунига қадар ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;

- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;

- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;

- ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;

- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;

- Бажарувчи томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;

- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

**V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи ҳисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.6. Бажариладиган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

5.7. Бажарилётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.
- 6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб борилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

## VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари

- 7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби


- 8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

## IX. Бошқа шартлар

- 9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.
- 9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
- 9.4. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

## X. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Момо Овдоголломи сн Юсуп	“YO'L LOYIXA SERVICE” MCHJ
Соҳиб Шайх Раҳов	Андижон шаҳар Фитрат кучаси А 4 уй
205528187 л/д/б 00893	“Узсаноатқурилиш”банк “Бунёдкор”филиали
Х/р 401822860031242045204110005	х/р 2020 8000 1054 7412 4001
Ўзбекистон Республикаси Президентининг	МФО:00076 ИНН:309 163 202
С/ш 20112313 л/д/б 00014	ОКОНХ:66000
7340200092000000	Директор :
	Х.Омурзаков
М.Ў.	М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№ KU05860813**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Asaka tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi bilan «Yo'l Loyixa Service»  
MChJ" o'rtasida tuzilgan 18 000 000 (o'n sakkiz million ) so'mlik xizmat  
ko'rsatish shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Asaka tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi 18.05.2022 yil**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**D.A.Urmanova**

**2022 yil 19 may**